O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 14 июнь, № 113 (3912) Чоршанба



Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, боғ ва хиёбонлар барпо этиш, йўлларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Мустақиллик иншоотлари

# КАТТА ҲАЛҚА ЙЎЛИДА ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

Маълумотларга кўра, истиқлол йилларида пойтахтимиз ва унга туташ ҳудудларда қурилган ва реконструкция қилинган йўллар, йўл ўтказгич ва кўприкларнинг умумий ҳажми минг километрдан ошган. Бундай улкан бунёдкорлик негизида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик руҳи ва эртанги кунга бўлган юксак ишонч мужассам, албатта.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи нишонланадиган йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Йўлсозларимиз халқимизнинг ана шу севимли байрами арафасида Тошкент катта ҳалқа йўлининг қолган қисмини тўлиқ фойдаланишга топширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Президентимиз Ислом Каримов шу йил 4 апрель куни мазкур йўлнинг Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада барпо этилган 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони оралиғида қурилган 3,7 километрлик янги йўлни бориб кўрганида мутасаддиларга Тошкент катта ҳалқа йўлининг учинчи — якуний босқичида амалга ошириладиган ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган эди.

— Ҳозир йўл қурилишида юзлаб малакали ишчи ва хизматчилар икки сменада меҳнат қилмоқда, — дейди "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Автомагистрал" ихтисослашган автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси раиси Улуғбек Муслимов. — Қурилиш материаллари ўз вақтида, пешма-пеш етказиб берилаяпти. Қурувчиларимиз икки юздан ортиқ қурилиш машина-механизм ва бошқа техника воситаларидан самарали фойдаланмоқда. Улар учун барча зарур маданий-маиший шароит яратилган.

"Йўл-лойиҳа бюроси" шўъба корхонаси ҳамда "ТошкентбошпланЛИТИ" институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида барпо этилаётган ушбу йўлда транспорт ечими, иккита йўл, биттадан сув ва муҳандислик коммуникация ўтказгичлари қурилмоқда.

Эркин қўрғони ҳудудидан ўтадиган Катта ўзбек трактида улардан бири — эни 24 метрлик, узунлиги 36 метрлик автомобиль йўл ўтказгич қурилиши жадал давом этмоқда.

— Темир йўл остидан ўтадиган туннел қурилиши поездлар қатновига таъсир этмайди, — дейди 13-кўприк қурилиш жамланмаси бошлиғи Абдулла Юсупов. — Пойтахтимизнинг катта ҳалқа йўли туташадиган каналдаги сув ҳам тўхтатилмайди.

Қурилиш электр, газ таъминоти, оқова сув хўжалиги ходимлари, алоқачи ва бошқа бир қатор ёрдамчи ташкилотларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда босқичма-босқич амалга оширилаётгани ишни тез ва сифатли бажариш имконини беряпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги йўлнинг умумий узунлиги, транспорт ечимларини қўшиб ҳисоблаганда, 4,1 километрни, эни 26 метрни ташкил этади. Замон талабларига мос бунёд этилаётган бу йўлнинг ҳар икки томонида уч қатордан автомобиль бемалол ҳаракатлана олади.

Шу пайтгача мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқимининг бир қисми водий вилоятларига пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» кўчаси орқали ўтар эди. Эндиликда бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, катта ҳалқа йўли орқали пойтахтимизга ҳар куни 24 мингдан зиёд транспорт воситаси кириб келади. Тошкент катта ҳалқа йўли тўлиқ фойдаланишга топширилиши билан пойтахтимизга кириб ўтадиган бундай транспорт воситалари сони кескин камаяди.

Айни вақтда "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз", "Тошкент-Душанбе", "Тошкент-Ўш" халқаро автомобиль йўллари бир-бири билан туташади. Бу эса минтақамиздаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, бинобарин, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

СУРАТЛАРДА: қурилиш ишларидан лавҳа; уста Азиз Тошматов (чапдан), иш юритувчи Нурали Собиров ва Элбек Муродов иш пайтида.

**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ

*15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммити бўлиб ўтади*

ШҲТнинг бу галги олий даражадаги учрашуви айнан Шанхай шаҳрида ўтказилишида катта рамзий маъно бор. Беш йил муқаддам айни мана шу шаҳарда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чеккан эдилар.

Ташкилотнинг босиб ўтган йўли унинг фаолияти нечоғли самарали кечаётганлиги ҳақида яхши тасаввур беради. Янги аср бўсағасида халқаро майдонда кўп ўзгаришлар рўй берди. Евроосиёда, айниқса, Марказий Осиёда геосиёсий вазият кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўша даврда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон томонидан чегаравий масалаларни ҳал қилиш учун тузилган «Шанхай бешлиги» номли тузилма фаолият кўрсатар ва ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қараганда, бу ташкилот асосий вазифасини асосан бажариб бўлган эди.

**Саммит арафасида**

Бундай шароитда очиқ ва самарали алоқалар механизмини сақлаб қолиш ва янги йўналишлар билан бойитиш аъзо давлатлар олдида янги имкониятларни очиши муқаррар эди. Шу билан бирга, минтақавий ташкилот ўз сафига Ўзбекистонни бирлаштирмаса, унинг тўла қувват билан ишлаши қийинлиги ҳам аён эди. Аввало, Ўзбекистон минтақамизнинг барча мамлакатлари билан бевосита чегарадош. Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти, жумладан, транспорт коммуникациялари ва табиий захиралари, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги муҳим ўрни янги ташкилотга аъзо давлатлар учун катта аҳамият касб этарди. Айни пайтда бу ташкилот Ўзбекистон учун ҳам талай янги имкониятларни очиб берарди.

Шу тариқа 2000 йилнинг ёзида Президент Ислом Каримов «Шанхай бешлиги»нинг Душанбе саммитида иштирок этди ва амалда ўша учрашувда бу тузилманинг мақомини кўтариш ва шаклини ўзгартиришга келишиб олинди. 2001 йилнинг 15 июнида эса Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расман асос солинди.

Эътиборли томони шундаки, илк саммитда ШҲТнинг таъсис ҳужжати билан бирга, Терроричилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция ҳам имзоланди. Бу АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган воқеалардан уч ой аввал рўй берди. Яъни, ШҲТ халқаро миқёсда биринчи бўлиб терроричиликка қарши ҳамкорликда қатъий зарба беришга қарор қилган ташкилот бўлди.

2002 йилнинг июлида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган саммитда ҳамкорликнинг мақсадлари, тамойиллари ва йўналишларини ўзида акс эттирган ШҲТ Хартияси қабул қилинди ва ташкилотнинг халқаро ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди. Мазкур саммитда Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Котибиятни тузиш борасида ҳам келишувга эришилди.

2003 йил майда Москвада ўтган саммитда ташкилот фаолияти механизмларини такомиллаштириш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилинди. Хитой вакили Чжан Дэгуан ШҲТнинг Ижрочи котиби этиб тайинланди. Шу йили Хитойда ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтган учрашувда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди.

2004 йилнинг январида Пекинда ШҲТ Котибиятининг очилиши маросими бўлиб ўтди. Июнь ойида эса ташкилотнинг саммитига Ўзбекистон мезбонлик қилди. Унда ташкилотнинг Тошкент декларацияси қабул қилинди, пойтахтимизда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини очдилар.

ШҲТ қисқа вақтда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Аввало, ҳамкорликка доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди, ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди, алоқаларнинг синалган механизми қарор топди.

Шу билан бирга, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик самарадорлиги ошиб бормоқда. Бу бутун ШҲТ маконида барқарорликни мустаҳкамлаш, таҳдидларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан доимий ахборот алмашиб борилаётганини, қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилаётганини, террорчилик ташкилотларининг ягона умумий рўйхати тузилаётганини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда.

Ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани ҳам диққатга сазовор. Қатор давлатлар у билан ҳамкорлик қилиш, ташкилот сафига қўшилиш истагини билдирмоқда. Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон унда кузатувчи мақомини олган. ШҲТ БМТ, АСЕАН, МДҲ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро ва минтақавий тузилмалар билан расмий алоқа ўрнатган.

Ташкилотнинг нуфузи ошишига унинг очиқлиги, бошқа давлатларга қарши қаратилмаганлиги ҳам муҳим ўрин тутади. ШҲТ ташқи алоқаларда хавфсизликнинг янги концепциясига, ички ҳамкорликда «Шанхай руҳи»га таяниб иш тутади. Аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, маданияти ўртасида фарқлар бўлишига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенг ҳуқуқлилик, тараққиётга биргаликда интилиш — «Шанхай руҳи»нинг асосий таркибий қисмлари ташкилотни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ШҲТнинг галдаги саммити ҳам ана шу руҳда ўтишига шубҳа йўқ. Барча аъзо давлатлар унга пухта ҳозирлик кўрди. Саммитда давлатлар раҳбарлари беш йиллик ҳамкорлик натижаларини кўриб чиқиши, халқаро майдондаги ва ШҲТ минтақасидаги вазиятни таҳлил этиши, ташкилотни янада ривожлантириш йўлларини муҳокама этиб, ҳамкорлик кўламини ҳар томонлама кенгайтириш чораларини ишлаб чиқиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистларига берган интервьюсида таъкидлаганидек, "юбилей саммити, бизнингча, янги очилаётган имкониятлардан биргаликда янада унумли фойдаланиш, ҳозирги замон таҳдид ва хавф-хатарларига қарши биргаликда янада самарали курашиш жараёнига асос солади".

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# БУХОРОДА ИНТЕРНЕТ МАКТАБИ ОЧИЛАДИ

***Янги ўқув йилида бухоролик ногирон ўқувчилар уй шароитида компьютер орқали таълим ола бошлайди. Дарс соатлари 2 бараваргача кўпаяди. Бу уларга давлат таълим стандартлари асосида чуқур билим бериш имкониятини кенгайтиради.***

Шу мақсадда ногирон болаларни масофадан ўқитиш билан шуғулланадиган интернет мактаби ташкил этилади. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро шаҳар кенгаши ҳамда Бухоро вилояти таълим ва ресурс тармоқлари маркази саъй- ҳаракати билан мазкур мактаб лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мактабга дастлабки йили 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 нафар ўқувчи қабул қилинади. Улар яшайдиган хоналарга интернет тизимига уланган компьютер ўрнатилади. Машғулотларни малакали ўқитувчи-мутахассислар вилоят таълим ва ресурс тармоқлари марказидан туриб олиб боради.

**Э. ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Бельгияда нашр этиладиган ва Европа Иттифоқининг барча мамлакатларига тарқаладиган «Diplomatic News» журналида «Марказий Осиёдаги модель» сарлавҳали мақола чоп этилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ва жорий йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасига бағишланган.***

# Ўзбекистон ютуқлари эътирофи

Мақоланинг муаллифи Европа Иттифоқининг МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари билан муносабатларига ихтисослашган Европа халқаро муносабатлар институти эксперти Жефри Морскидир.

Муаллиф ўз мақоласида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқлар омилига тўхталиб шундай дейди: «Ўтган йил мобайнида Ўзбекистон ҳукумати томонидан эришилган тараққиёт иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш, саноатни диверсификациялаш ва кенгайтириш, маъмурий ҳамда бозор ислоҳотларидаги муваффақиятлар билан изоҳланади. Ҳукумат хусусий сектор ривожини, хориж сармояси жалб этилишини рағбатлантирди. Марказий Осиёда ва ундан ташқарида ўтиш даври жамиятларини янада модернизациялаш, либераллаштириш ва ривожлантириш учун беназир имконият яратди».

Унинг таъкидлашича, Италия ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институтининг бош котиби Антонио Локенинг Ўзбекистонни Хитой ва Ҳиндистон бошчилигидаги Осиё поездида олдинги сафда тезкорлик ва ишонч билан ҳаракатланаётган вагонлардан бирига ўхшатишида катта ҳақиқат бор. Ростдан ҳам, Ўзбекистон — барча соҳаларда Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири. Морскининг қайд этишича, ўзбек иқтисодиётининг тузилмавий ўзгаришлари, иқтисодий либераллаштириш жараёнларининг кенгайтирилиши ва жадаллаштирилиши, хусусий секторнинг янада рағбатлантирилиши ҳамда маъмурий ва бюрократик тўсиқларга барҳам берилиши Президент Ислом Каримов ташаббускорлигидаги сиёсий ва институционал ислоҳотлар натижасидир.

Ж.Морски ўз мақоласида Лондондаги жаҳон иқтисодий жараёнларини таҳлил этишга ихтисослашган «Global Insight» тадқиқот марказининг қуйидаги фикрларини мисол қилиб кўрсатади: «Президент Ислом Каримовнинг маърузаси ҳақиқий маълумотларни ўзида ифода этади. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 7 фоиз, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар 11,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоиз, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 17,7 фоизга ўсгани ўтган йилда эришилган салоҳиятли ютуқлардир. Бозор ислоҳотлари, жамиятни модернизациялаш натижалари Ўзбекистон ҳукумати томонидан режалаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларга мувофиқ келади».

«Иқтисодий ислоҳотлар дастури, бой демографик ва табиий ресурслар, салмоқли саноат салоҳияти, ривожланган инфратузилма оқилона иқтисодий сиёсат билан ўзаро уйғунликда мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг муҳим воситаси бўлди. Бу омилларнинг барчаси яқинда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига кирган Ўзбекистон учун нафақат Марказий Осиёда биринчи бўлиш, балки бу ташкилотда етакчи мавқеини эгаллаш, минтақада барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнаш имкониятини ҳам беради» дея мақоласини якунлайди Жефри Морски.

**Б. УММАТОВ.**

# АНЪАНАВИЙ ОЙЛИК ДАВОМ ЭТАЯПТИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, юртимизда шу йилнинг 1 июнидан бошланган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" давом этмоқда. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси мазкур тадбирни самарали ўтказиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширяпти.***

Пойтахтимизда транспорт қатнови мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча тиғиз. Шу боис транспорт билан боғлиқ нохуш ҳодисалар бу ерда нисбатан кўпроқ учрайди. Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрида ҳар йили 2,5 мингга яқин транспорт ҳодисаси содир бўлади. Бунинг оқибатида ҳаётдан кўз юмиш, турли даражада тан жароҳати олиш ҳолатлари учрайди. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини янада ҳушёррок бўлишга чорлайди.

Бошқарма ходимлари ойлик доирасида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, болалар билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги барча таълим муассасаларида, автокорхона ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этмоқда. Бундай тадбирлар ҳозирча Бектемир туманидаги «Истиқлол», Юнусобод туманидаги Фирдавсий, Сергели туманидаги Амир Темур, Ҳамза туманидаги Мирзо Иброҳим номидаги, Шайхонтоҳур туманидаги «Янги белтепа» каби маҳаллаларда ўтказилдики, уларда аҳоли фаол қатнашди.

Бундан ташқари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофидаги бекатлар аҳволи, йўл белгилари ва светафорлар яна бир бор кўрикдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, ҳаракат хавфсизлиги тарғиботига бағишланган 32 реклама панноси ўрнатилди.

Ана шу тадбирлар ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг самарали ўтишини таъминлашга, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**




Диққат, янги рукн: **ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ**

*Ўтаётган ҳар бир кун бизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги байрамига яқинлаштириб бормоқда. Шу муносабат билан «Халқ сўзи» саҳифаларида мамлакатимиз ҳудудларида энг улуғ, энг азиз айёмга қандай тайёргарлик кўрилаётганини, мустақиллик йилларида эришилган натижаларни кенгроқ ёритиш мақсадида янги рукн — «Истиқлол манзиллари» рукнини очаяпмиз.*

*Анъанага кўра, бу мавзуни ёритиш асносида ҳар бир ҳудуднинг фахру ифтихорига айланган, фидойи меҳнати билан эл назарига тушган, муайян воҳа халқи номидан гап айтишга маънавий ҳақи бўлган мўътабар инсонларга минбар берилади. Ўйлаймизки, мазкур рукн остида тақдим этиладиган мақолалар яхлит ҳолда халқимизнинг бугунги кайфиятини, байрамолди шижоатини акс эттиради.*

Дастлабки мақола Қорақалпоғистон Республикасидан.

2-бетга қаранг.




ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ / Қорақалпоғистон Республикаси






# ОРОЛ БЎЙЛАРИДА ИЛДИЗ ОТГАН ЭЛ

Мен мустақиллик ҳақида, бугунги истиқлол берган имкониятлар хусусида ўйлаганимда кўз ўнгимда кечаги ва бугунги манзаралар бирма-бир ўтаверади. Бундан ўн-ўн беш йил илгари ғариб ва файзсиз кўчалар, бир қолипдаги бетон уйлар, одамларнинг тушкун ва сўлғин кайфияти, келажаги йўқ бир жамият жимжимаси, энг даҳшатлиси, империалистик ва социалистик тузумларнинг инсониятни кунпа-якун қилишга тайёр ядровий қуроллар пойгаси кўнгилларга хавф ва қутқу солиб турарди. Биз, Оролбўйи минтақасининг узоқ қишлоқ ва овулларида яшовчи оддий инсонлар ҳам ана шундай хатарни сезиб турардик ва эртанги кунимизга мутлақо ишончимиз қолмаганди. Бугун мен Нукуснинг кўркам ва файзли кўчаларида юриб, Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиланишлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида содир бўлаётган катта ўзгаришларни кўриб, Истиқлолга минг бир шукроналар айтаман. Турмуши фаровонлашиб, ишлаб чиқариш салоҳияти юксалиб бораётган эл бугун тинч ва осойишта меҳнат қилмоқда. Халқнинг азалий қадриятлари ўзига қайтиб келди. Урф-одатлари, тўй-маросимлари ўзига ярашади. Ер деҳқонга, мулк ўз соҳибининг қўлига қайтди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими яратилди. Президент одамларни ўзини ўзи бошқаришга, ўз бойлигига ўзи эгалик қилишга ундамоқда. Буларнинг барчаси тинчлик туфайли. Дунёда тинчликдан ҳам улуғ неъмат борми? Очликка, юпунликка чидаш мумкиндир, аммо ҳаловатсизлик ва хавф-хатарнинг бир дақиқаси ҳам кўп.

Мустақиллик бизга ана шундай тинчликни ато этди. Элим деб, юртим деб, халқининг осойишталиги, тинч-тотув, фаровон яшаши учун фидойи Юртбошини берди. Биласизки, қорақалпоқ халқи 2000-2001 йиллари сувсизликдан қийналди. Қурғоқчилик халқ хўжалигининг барча соҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Президентимиз ўша йиллари ўзларининг махсус фармонлари билан Оролбўйи минтақасида яшовчи халқни қўллаб-қувватлаб турди. 2002 йил май ойининг бошида Юртбошимиз Қорақалпоғистонга келиб, эл билан учрашди, одамларга далда берди. Ишонасизми-йўқми, орадан бир ҳафта ўтгач, кўз ёшидай қуриб ётган дарёга сув келди. Дарё яна пишқириб оқди. Сув билан бирга бутун республикага қут-барака кириб келди. Шу туфайли қорақалпоқ эли Юртбошимизнинг қадамини қутлуғ деб билади. Зеро, Орол дарди олам дардига айланган кезларда ҳам биз буни сезгандик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил мартда Қизил Ўрдада, шу йилнинг сентябри ва 1995 йилнинг октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг сессияларида ва ундан кейин Нукус ва Алматидаги халқаро анжуманларда илгари сурган амалий таклифлари бугун тарихий воқеликка айланди. Шу туфайли биз Ислом Каримовни нафақат мамлакат Президенти айни пайтда қорақалпоқликларнинг яқин ғамхўр оғаси деб биламиз. Нега? Негаки, Қорақалпоғистондаги улкан иншоотларнинг барчаси Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан ишга тушган. Йилига 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Элтекс» каби замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари шулар жумласидандир.

Қорақалпоғистон — бебиқиёс кон заҳираларига эга минтақа. Айтишларича, бу юртда Менделеев жадвалига кирувчи барча элементлар мавжуд. Ҳадемай, бу юртга келиб ишловчи чет эл сармоядорлари кўпайишига ишончим комил. Ҳали бу юртнинг тупроқлари ҳам тиллога айланади. Жамонсойдаги оҳак Борса-келмасдаги ош тузи билан қоришиб, қандай бойликка айланишини тасаввур қилсам, қорақалпоқ элининг ёруғ истиқболини кўргандай бўламан. Эндиликда Уст-юрт ҳақидаги тушунчалар тобора янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Қорақалпоғистоннинг келажаги Уст-юрт билан боғлиқ, деган гап тобора ҳақиқатга айланаётир.

Ишонмасангиз, харитадан Уст-юрт кенгликларига зимдан боқиб кўринг. Шунда сиз ҳам бу чексиз-чегарасиз ҳудуд халқимиз ва юртимиз учун улуғ ганжина эканлигини ҳис қиласиз. Мен бу ерда Россиянинг «Газпром»и, «Лукойл» корхонаси ишлаётганлигини эшитган эдим. Менга яқинда яна бир хушхабарни айтишди. Юртбошимизнинг шу йил бошида Корея Республикасига ташрифи жараёнида ҳукуматлараро стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларациялар имзоланибди. Турли соҳаларда тузилган идоралараро битимларнинг бир қисми бевосита Қорақалпоғистон учун ҳам дахлдор экан. Шунда билдимки, Орол денгизи атрофида, Уст-юрт минтақасидаги Узункун-Туарқир ёйилмаларида корейс газ ва миллий нефть корпорациялари ҳадемай геология-қидирув ишларини бошлаб юборишаркан. Корейслар ўта меҳнаткаш, зукко ва чайир бўлишади. Улар билан ҳамкорлик қилган одам ютқазмайди.

Ҳа, Қорақалпоғистонда ўн беш йилда қандай улкан ўзгаришлар бўлганлигини санаб адоғига етиш қийин. Чидамли ва матонатли, бағрикенг бу эл яратаётган бунёдкорликлардан бошимиз осмонга етади. «Учқудуқ-Мискин-Султонувайстоғ-Нукус» темир йўли ўтган аср охири ва янги аср бошидаги бетакрор ва бебиқиёс мўъжиза бўлди. Шахсан Президент Ислом Каримов кўрсатмаси билан 1995 йилдаёқ янги темир йўл йўналишини лойиҳалаштиришга киришилди. Бу улуғвор қурилишга мамлакат катта миқдорда маблағ ажратди. Улкан фидойиликлар зарбаси олдида метин Султонувайс тизмаларининг чўққи ва қоялари саримойдай эриб тушди. 2002 йилнинг августи қорақалпоқ тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Тошкент-Нукус йўналишидаги илк поезд биринчи марта ўз элимиз — ўз йўлимиз орқали Қорақалпоғистонга кириб келди. Шундан буён бу йўлдан Қорақалпоғистонни мамлакат пойтахти, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва бошқа давлатлар билан боғлайдиган қатор йўловчи поездлар қатнамоқда. Қолаверса, Амударё устига қурилган 681 метрлик «Мискин-Тошсоқа» янги темир йўл ва автомобиль кўпригининг ишга туширилиши нафақат узоғимизни яқин қилди, балки ортиқча сарф-харажат ва бебаҳо вақтимизни ҳам асраб қолди. Ахир, илгари бу элга мамлакат пойтахтидан келадиган ҳар бир нарса учун ўзга давлатга йўл солиғидан ташқари миллион сўмлаб бож ҳам тўлардик. Қолаверса, юк ва йўловчи ташиш 300 км.га қисқарди. Шунингдек, Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланмиш «Қўнғирот-Бейнов» автомобиль йўлининг 241 км.лик йўналишида катта ишлар қилинмоқда.

Мустақиллик ва эркинликнинг қадрига етмаганлардан баъзида ўпкалайман. Боқимандалик кайфиятида юрганлар ҳозир ҳам бор. Бирор ташвишини сўрасанг, «Сенинг нима ишинг бор?» дейди. Иш дегани шу ерда ҳам кўп, аммо у чет мамлакатларга чиқиб ишлашни орзу қилади. Аммо барака чет элдаги икки доллардами ёки шу ерда топган бир сўмидами — шуни билмайди. Бир вақтлари пешонангга тамғалаб 6 сотих ер берарди. Мана, мустақиллик одамларга хоҳлаганча ер бермоқда. Нима эксанг эк, фақат ерни исроф қилмасанг, бўлди. Тер тўкканга ер тўкади, деган нақл бор, ахир. 1991 йилда Қорақалпоғистонда бир мингга яқин фермер бор эди. Бугун уларнинг сони 8294 та. Ва энг асосийси, республикада етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг жуда катта қисми уларга тегишлидир. Ана шуларнинг фидойиликлари билан ўтган йили республика давлатга пахта сотиш режасини 26 сентябрдаёқ бажарди. Мамлакат хирмонига режадаги 185 минг тонна ўрнига 212 минг тонна чўл жавоҳири армуғон этилди. Ғаллачилик, чорвачилик ва полизчиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Чимбой ва Тахтакўпир, Қўнғирот ва Қонликўл туманларининг олис қишлоқ ва овуллари аҳолиси ҳам бугун тоза ичимлик суви истеъмол қилмоқда. Республикада газ етиб бормаган аҳоли пунктлари деярли қолмади.

Мен юқорида таъкидлаган айрим бефарқ одамларни кўриб куйинсам, қорақалпоқ ёшларининг шижоатини кўриб, қайта-қайта суюнаман. Улар республикамиз ва мамлакатимизнинг эртанги зукко ва ақлли эгаларидир. Улар хоҳ фан олимпиадаларида бўлсин, хоҳ «Умид ниҳоллари», «Универсиада» ўйинларида бўлсин, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Бир пайтлари биз мутахассислик ахтариб Тошкентга ёки Москвага чопардик. Эндиликда керакли мутахассислар республиканинг ўзида тайёрланмоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети, Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ҳамда Тошкент аграр университетининг Нукус филиаллари, Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғиротдаги махсус бўлимида ёшлар ўнлаб мутахассислик бўйича таҳсил олишмоқда. Бундан ташқари, иқтидорли болалар мактаб-интернатлари, лицей ва гимназиялар, маҳобатли коллежлар, улардаги замонавий ўқув ускуналарини кўриб, ёшларга ҳавасим келади. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёш авлодни соғлом ва баркамол тарбиялаш бўйича хайрли дастурлар ишлаб чиқмоқда. Спортнинг хилма-хил турлари билан шуғулланувчи, кам таъминланган оила аъзоларига зарур спорт жиҳозлари тарқатилмоқда. Республика шаҳар ва туманларидаги ёш ўсмирлар спорт майдончалари жиҳозланмоқда. Шу йил муай-тай бўйича жаҳон чемпионатида нукуслик Азиз Ешниязов 2-ўринни эгаллади. И. Асенбоев эса мамлакат чемпионатида биринчиликни қўлга киритди.

Мамлакат Президентининг ғамхўрлиги, республика раҳбариятининг бевосита амалий саъй-ҳаракатлари боис «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ёшларимизга янада кучлироқ меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Республика бўйича 703 нафар оила қўшимча биттадан қорамолли бўлди. Тиббиёт муассасаларига, кам таъминланган оила, ёлғиз кексаларга, «Меҳрибонлик уйлари»га миллионлаб сўмлик дори-дармон, спорт жиҳозлари ва рўзғорга асқотадиган бошқа нарсалар туҳфа қилинмоқда. Ёшларга оромгоҳларга, кексаларга эса санаторийларга бепул йўлланмалар берилмоқда.

Мен ҳам бир хўжалик раҳбари сифатида одамларнинг кундалик ҳаётий муаммоларини ечиш, ташвишларини енгиллаштириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш учун курашиб келаман. Хўжалигимизда 564 оила бор. Бугунги инсонлар ва уларнинг яшаш тарзи, фикрлаш йўсини 15 йил бурунгисидан мутлақо фарқ қилади. Улар эндиликда фақат қорин тўйғазиш, бола-чақасини бир амаллаб боқиш учун ишламайди, балки «Шу овулнинг эртаси қандай бўлади, нима қилсам келажак авлод биздан кўра бахтиёр яшайди?» деган ташвиш ва ниятлар билан меҳнат қилади. Айнан шундай жонсаракликни мен Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида учрашувлар ўтказган дамларимда ҳам сезиб тураман. Яқинда Тахтакўпир, Нукус, Кегейли туманларидаги учрашувларимда ҳам фермерлар, тадбиркорлар олдимга кўплаб масалаларни кўндаланг қўйди. Айрим масалалар жойида ечимини топди, баъзиларини парламент сўрови сифатида вазирликларга киритдим. Бу сўровлардан бири — бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини ошириш, қолаверса, маҳсулотларнинг минтақалар бўйича харид нархининг таннархга нисбатан мутаносиблигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари кенг ривож топмоқда. Ҳукуматимиз уларни қўллаб-қувватлаб турибди. Бу соҳага оид қонунлар ҳаётга фаол татбиқ этилмоқда. Айниқса, деҳқонларимизни қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашда ҳам ижобий ўзгаришларни сезаяпмиз. Жумладан, ўтган икки йил мобайнида республикада 137 та ҳайдов, 36 та «Алтай» ва 271 та қатор оралаларига ишлов берадиган «ТТЗ-80-11» трактори харид қилинган. Айнан техника сотиб олиш учун 6,7 миллиард сўм ишлатилган. Бундан ташқари, фермер хўжаликларига лизингга ҳам техникалар етказиб берилмоқда.

Орол бўйларида яшаб, шу масканда илдиз отиб, палак ёйиб, тақдирини ушбу юрт қисмати билан қаттиқ боғлаган одамларнинг, ҳақиқатан ҳам, бағри кенгдир ва улар ўта матонатлидирлар. Манглайи ёруғ бу инсонлар айни пайтда ҳам Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйини ҳар жиҳатдан муносиб кутиб олиш мақсадида фидойиларча ишлашмоқда. Уларнинг бунёдкорлик салоҳияти тобора ортиб бораётир. Қорақалпоқ элининг 15 йил давомидаги ўсиш-ўзгаришлари ўз кўлами, салмоғи, аҳамияти ва миқёси билан асрларга татийди. Истайманки, бу бунёдкорлик ва шижоат уларни ҳеч қачон тарк этмасин. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Ўз элим — қорақалпоғим омон бўлсин, ўз қалъам — Нукусим дунё тургунча турсин!»

**Ағитой АДИЛОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

*Ўз элим — қорақалпоғим омон бўлсин,*
*ўз қалъам — Нукусим дунё тургунча турсин!*

**Ислом КАРИМОВ**

### Рақамлар сўзласин



***Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди 166,6 минг квадрат-километрдан иборат.***

* * *

***Оролбўйи республикаси аҳолиси 1572900 нафарни ташкил этади.***

* * *

***Қорақалпоғистонда 2 та республика, 10 та туман аҳамиятига эга шаҳар, 14 та шаҳар тоифасидаги посёлка, 124 та овул фуқаролар йиғини мавжуд.***

* * *

***Ҳозирги маълумотларга кўра, республикада 97 та акциядорлик, 250 та масъулияти чекланган жамияти бор.***

* * *

***Айни пайтда 17402 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаси фаолият кўрсатмоқда.***

* * *

***Шу кунга қадар хориж сармояси асосида 47 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган.***

* * *

***Республикада 754 та умумтаълим мактаби, 6 та академик лицей ва 72 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда.***

* * *

***Мавжуд 138 та қишлоқ врачлик масканининг 63 таси янгидан қурилди.***

* * *

***1991 йилда йилига 17 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод, 1992 йилда Нукусда бир кеча-кундузда 130 тонна ун тайёрлайдиган тегирмон ишга туширилди.***

* * *

***2003 йили Хўжайлида соатига 1150 шиша ёғ ишлаб чиқарадиган қўшма корхона цехи фойдаланишга топширилди.***

* * *

***Ўтган йиллар давомида 7729 гектар суғориладиган янги майдонлар ишга туширилди. 5421,6 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди.***

* * *

***Нукусда амфитеатр, Бердақ номли музей, теннис корти, Савицкий номли музейнинг янги биноси қурилди.***

# Сертификат – сифат ва хавфсизлик мезони

***Ривожланган давлатлар ва мамлакатимизда тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бу соҳадаги ҳуқуқий-меъёрий базани доимий тарзда такомиллаштириб боришдан ташқари мана шу субъектларни қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг ўз вазифаларига қанчалик масъулият билан ёндашишларига ҳам боғлиқ. Шу боис "Ўзстандарт" агентлиги бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда.***

**Қарор ва ижро**

Маълумки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ҳамда сертификатлаш бўйича қонуний ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида", "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлар шулар сирасига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 318-сонли, 2004 йил 22 июлдаги "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 349-сонли қарорлари, айниқса, республикамизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини янада ошириш, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатлар асосида, масалан, мавжуд корхоналарнинг 2004-2006 йиллар мобайнида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш муддатлари белгиланиб, шу юзасидан ҳукуматнинг махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди.

"Ўзстандарт" агентлиги, унинг ҳудудий марказ ва бошқармалари томонидан эса, маҳсулотлар ва хизмат турлари сифатини кўтариш, мамлакат ички бозорини харидоргир товарлар билан таъминлаш, чет эллардан сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш бўйича назорат ишларини олиб бормоқда. Шу билан бирга, ушбу жамоа янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга хизмат кўрсатиш учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, экспертиза ва рўйхатдан ўтказишни соддалаштиришга доир юмушларда ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли эса, республикамизда ишлаб чиқарилган ёки импорт маҳсулотлардан намуна танлаш, сертификатлаштириш синовлари ўтказиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилди.

Қувонарлиси шундаки, сертификатлаштириш тизимини ўз фаолиятида жорий этган "Pulsar" ишлаб чиқариш-савдо концерни, "Бўстон" ва "Андижонкабель" қўшма корхоналари, "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти, "Шўртангазкимё" комплекси каби корхоналар эса экспорт салоҳиятини йилдан-йилга ошириб, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқдалар.

Шу билан бирга, бизнингча, тадбиркорлик субъектларининг янада гуркураб ривожланиши учун қуйидагиларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: *аввало, иқтисодиётда давлат монополиясининг ҳар қандай шаклларини мақбул даражада чеклаш лозим, мулкчиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, яъни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини янада кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятида суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш,* тадбиркорликнинг божхона фаолияти билан боғлиқ йўналишларидаги айрим тўсиқларни қисқартириш, тадбиркорлик субъектларига улар маҳсулотларининг сифатини назорат қилувчи давлат инспекторлари ва бошқа текширувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир ҳуқуқий билимларини ошириш, уларга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг жаҳон стандартларига мослашувини таъминловчи услубий кўникмаларни шакллантиришни ҳам бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**И. ОЧИЛОВ,**
**"Ўзстандарт" агентлигининг бўлим бошлиғи.**
**Т. ОЧИЛОВ,**
**"Ўзстандарт" агентлигининг ҳуқуқшуноси.**

### "Халқ сўзи"га жавоб берадилар



*"Ўз ёғимга ўзим қоврилиб юрган кунларимнинг бирида мени туман прокуратурасига чақиришди. Бориб, не кўз билан кўрайки, электр корхонасининг туман бўлими бошлиғи ва ходимлари қонуншунослар олдида афтодаҳол қиёфада бош эгиб туришибди. Сўраб-суриштириб билсам, улардан бири қайсидир фермердан пора сўраб, қўлга тушган экан. Шундагина мен ўзимга нисбатан қилинган ноҳақликлар замирида аслида нима ётганини англаб етдим..."*

## ТАМАГИР ЖАЗОЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 19 январь сонида чоп этилган "Жузъий носозлик" мақоласи ана шундай сатрлар билан якунланганди. Бу сўзларни Жондор тумани электр тармоғи корхонаси масъулларининг ўз вазифаларига лоқайдликлари туфайли ҳам ҳосилидан ажраган, ҳам ортиқча харажатга тушган "Малик Жума" фермер хўжалиги раҳбари Адиз Жумаев алам билан айтганди. Шу муносабат билан яқинда Бухоро вилояти прокуратурасидан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, фермер тилга олган далил тасдиқланган. 2005 йил 1 ноябрь куни Жондор тумани прокуратурасига "Венера Туроб қизи" фермер хўжалиги раҳбари С.Ширинова ариза билан мурожаат қилиб, туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи ўринбосари Тошпўлат Чориев ундан ерларини суғоришга хизмат қиладиган насосни ишлатишга сарфланган электр энергияси учун 109600 сўм миқдоридаги жарима тўловини тўламаслик эвазига пора талаб қилганини билдирган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси ва вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида текшириш ўтказилган. Шу жараёнда Т.Чориев С.Шириновадан 95 минг сўм пулни пора сифатида олгани аниқланган. Дастлабки тергов натижасига кўра, унга Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "а" ва "в" бандлари ҳамда 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан айблов эълон қилинган.

2005 йил 19 январь куни жиноят ишлари бўйича Жондор тумани судининг ҳукмига асосан, Тошпўлат Чориевга тегишли жиноий жазо тайинланган.



## Тиббиётдаги islоҳотлар

***Инсон юраги. Танадаги бу аъзо тирикликнинг тўла маънодаги рамзидир. Агар юрак уриб турса, вужудга ҳаёт бағишлайди. Худо асрасин, механизмнинг моторига қиёсланадиган (аслида мотор фаолияти юракдан андоза олган) бу орган тўхтаса, бошқа аъзолар ҳаракатсизланади.***

***Тиббиётда юрак фаолиятини тадқиқ этадиган, саломатлигини асрайдиган касб соҳибларини «кардиологлар» дейишади. Юрак шифокорлари ҳар йили республика илмий-амалий конференциясига тўпланиб, соҳадаги муаммолар, янгиликлар ҳақида гаплашиб олишади. Жорий йилнинг 15-16 июнь кунлари ана шундай анжуман ўтказилиши кўзда тутилмоқда.***

# ҚАЛБИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛУРМИЗ

Бу галги конференцияда ҳамкасбларнинг бир-бирларига айтадиган гаплари анча. Негаки, улар ўтган йили МДҲ кардиологларининг Тошкентда ўтказилган V конгрессидан кейин илк бор ҳисобот йиғилишига тўпланишяпти. Ўтган давр ичида Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари баён қилган назарий ғоялар амалиётда қандай натижа берди? Янги келтирилган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш самаралари қандай? Бу каби ҳаётий саволларга аниқлик киритиш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги натижаларни таққослаш, уларни умумлаштириш орқали мақбул хулосага келиш конференциянинг асосий мазмунини ташкил этади.

Агар мамлакатимиз кардиологларининг фаолияти, Президентимиз Фармонига биноан, республика ихтисослаштирилган кардиология марказида мувофиқлаштирилаётган бўлса, мазкур муассасанинг ўтмишдоши Кардиология илмий-тадқиқот институти иш бошлаганига бу йил роппа-роса ўттиз йил тўлди. Институтнинг йигирма йил давомида барча андозаларга жавоб берувчи клиник базага эга бўлмаганлигини, бу орзулар фақат истиқлол йилларида рўёбга чиққанлигини айтсак, газетхон кўз ўнгида ҳақиқий манзара намоён бўлади, деб ўйлаймиз.

Клиник кардиология ривожини шарҳлар эканмиз, унга тиббиёт институтлари илмий педагогик кадрлари асос солганлигини эслаб ўтиш жоиздир. Айни пайтда кардиология бўлимларининг очилиши илмий-тадқиқот институти билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон олимлари юрак-ишемик касалликларини ташхислаш, даволаш услубларини такомиллаштириш, миокарднинг ўткир инфарктидан кейин содир бўладиган оғир асоратларнинг олдини олиш каби услубларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Бундай ютуқларни қўлга киритишда кардиореанимация бўлимининг ташкил қилиниши катта аҳамият касб этди. Сўнгра бу йўналиш тиббиёт фанлари номзоди М. Пирназаров етакчилигида давом эттирилди. Институт таркибида фан доктори Р. Қурбонов раҳбарлигида юрак аритмияси лабораторияси ташкил қилиниши шу тоифадаги беморларга илк бор юқори малакали ёрдам кўрсатиш ва йўналиш бўйича кенг кўламли изланишлар олиб бориш имконини туғдирди. Жумладан, инфарктни бошдан кечирган беморларнинг юраги нотекис урадиган бўлса, уларнинг ҳаёти кўпроқ хавф остида бўлиши мумкинлиги исботланиб, унинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Институт олимлари Ўзбекистонда илк бор ўсмирлар орасида артериал гипертониянинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг клиник кечишини тадқиқ этишди. Бу жараёнда лаборатория мудири, тиббиёт фанлари номзоди Н. Мирзаев, Б. Солиҳов ва бошқа ходимлар фаол қатнашишди. Муассаса таркибида биринчилар қаторида кардиоцеребрал хасталиклар лабораторияси ташкил қилиниб, Ўзбекистонда фаннинг кардионеврология соҳаси ривожига асос солинди. Бу ерда мияда қон айланишининг ҳолатига, руҳий тетикликка тезда баҳо берилади, дорилар билан бир қаторда игна санчиб даволанади, беморларга психологик ёрдам кўрсатилади. Лабораторияни шу сатрларнинг муаллифи ташкил этди ва раҳбарлик қилмоқда. Лаборатория юрак-томир касалликлари туфайли юзага келадиган асабий асоратларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш каби мураккаб жараёнга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, клиник кардиология ривожига институт қошида ташкил қилинган биокимё ва функционал текширувлар лабораториялари (ҳозирги раҳбарлари А. Зияева, С. Пўлатовлар) катта ҳисса қўшганлар. Бу даргоҳда экспериментал кардиология бўлимининг ташкил қилиниши соҳа ривожига кенг йўл очиб берди. Бу бўлимнинг (раҳбарлари проф. А. Курмуков ва Ш. Эргашев) энг йирик ютуғи Фанлар академияси Ўсимликлар кимёси ҳамда биоорганик кимё институти билан ҳамкорликда маҳаллий хомашёлардан тайёрланган дориларни синовдан ўтказиб, кардиологияга татбиқ этиш бўлди. Шу доривор моддалар ичида «Аллапинин» ва «Аклезин» устида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Бу дорилар беш йил мобайнида директор Р. Қурбонов раҳбарлигида синовдан ўтиб, юрак аритмиясининг кўп турларини даволаш ва унинг олдини олишда юқори самарага эга эканлигини кўрсатди. Кейинчалик бу дориларга Россия, сўнгра Европа олимлари катта қизиқиш билдирдилар, у ҳозир жаҳон дори бозорида муносиб ўринга эгадир.

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги ва эътибори туфайли халқимизга кардиологиянинг асосий йўналишлари бўйича жаҳон стандартларига яқинлаштирилган ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишга имконият туғилди. Жумладан, 8 та ихтисослашган бўлинмадан иборат 160 ўринли клиника, кунига 150 та қабул ўтказишга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси ишга туширилди. Ходимларнинг маоши 2-3 баробар оширилди. Ҳукуматимиз ёрдамида моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида фақат кейинги уч йил ичида қарийб 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди ва ўзлаштирилди. Натижада илмий-амалий ишларнинг олиб борилиши интенсивлаштирилди, кенгайтирилди ва чуқурлаштирилди. Қисқа вақт ичида асосий юрак-томир касалликларини ташхислаш ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Жаҳонда кенг тарқалган ва бошқа юрак-томир касалликларининг келиб чиқишига асосий омил бўладиган артериал гипертония касаллигини ўрганиш проф. М. Елисеева раҳбарлигида янги поғонага кўтарилди. Жумладан, унинг генетик ва биокимёвий асослари ўрганилмоқда, мия инсульти, инфаркт, юрак ва буйрак етишмовчилиги каби артериал гипертония асоратлари олдини олишда, даволашда замонавий гипотензив, гиполипедемик, антиагрегант ва бошқа кўпгина дорилар синовдан ўтказилмоқда. Истеъдодли олим А. Шек етакчилигида амалга оширилаётган юракдаги оғриқни қолдирувчи моддаларнинг бир неча хилини қўшиб ишлатиш, артериал гипертония ёки юрак аритмиялари борйўқлигига аҳамият қилиш каби замонавий ёндашувлар ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Юрак ҳажмининг ниҳоятда катталашиб кетиши билан боғлиқ бўлган касалликларни, юраги нотекис урадиган ҳомиладор аёлларни ҳам асосан марказнинг тиббиёт фанлари доктори Т. Абдуллаев бошқараётган махсус бўлинмасида даволашмоқда. Ўттиз йилдан буён фаолият кўрсатаётган Б. Маҳмудов, сўнгра Р. Мамутов раҳбарлигидаги профилактик кардиология бўлимининг касалликларнинг олдини олиш бўйича хизматлари беқиёсдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 11 вилоят кардиодиспансерларининг 369 кардиологик хона ва бўлинмаларини, 1589 ЭКГ кабинетларини ташкил қилиш ва кадрлар билан таъминлашда жамоамиз фаоллик кўрсатди. Эндиликда марказда йилига 5 минг нафар бемор касалхонада, 30 минг аҳоли поликлиника шароитида даволаняпти.

Ўтган давр ичида бу ерда 22 нафар фан доктори ва 87 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Деярли 1,5 минг илмий мақола ва тезислар, 14 монография, 86 турли хил тавсиянома улар меҳнатининг маҳсулидир. Олимларимиз 22 муаллифлик гувоҳномасини ҳимоя қилишга муяссар бўлишган.

Бўлажак анжуман арафасида яна бир муҳим янгилик бўлди: «Ўзбекистон кардиологияси» журналининг дастлабки сони чоп этилди.

**Озод ХЎЖАЕВ,**
**республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг кардиоцеребрал хасталиклар лабораторияси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

*Анжуман*

# ЧОРВА МОЛЛАРИ КЎПАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида муайян ишлар амалга ошириляпти.

Вилоят ҳокимлигида ўтган семинарда шу хусусда сўз борди. Унда ҳисобот берган меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бош бошқармаси бошлиғи Абдурашид Абдуллаевнинг айтишича, шу кунгача 759 та кам таъминланган оилага қорамол тарқатилган. Чорва молини кўпайтиришга ҳисса қўшаётган 1054 нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси очилиб, 199 хонадонга қорамол сотиб олиш учун 272,4 миллион сўм миқдорида микрокредит берилган.

Ҳозир вилоятда 50 та зооветеринария пункти ва 28 та ветеринария дорихонаси, 12 та омухта ем сотиш шохобчаси ишлаб турибди. "Малик" аукцион бозорида наслли моллар савдоси йўлга қўйилди. Унда "Сайхунсут", "1-Боёвут" ва "Синдоробод" наслчилик хўжаликларида етиштирилган йигирмага яқин зотдор қорамол «Кимошди» савдосида сотилди.

Семинарда Сирдарё вилоят ҳокими А.Жалолов иштирок этди.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Юртимизнинг азиз фуқаролари ва меҳмонлари!



2006 йил 14 июндан бошлаб ҳар ҳафтада бир марта, чоршанба кунлари 486-рақамли

«Тошкент–Челябинск–Тошкент» йўловчи поезди

ҳаракатланишни бошлайди.

Телефон: 199-76-27.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Чипталарни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ кассаларидан поезд жўнашидан 20 кун аввал харид қилишингиз мумкин.

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI FILIALI»

сизларни 2006 йил 14 июль куни соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган юқорилаб борувчи

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидаги банкрот корхоналарнинг мол-мулклари қўйилади:

**Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Ҳамза хўжалик, Уяли қишлоғида жойлашган, тугатилаётган «Уяли каноп заводи» масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулклари.**

*Бошланғич баҳоси — 106 089 480 сўм.*

**Мол-мулклар қуйидагиларни ўз ичига олади:** маъмурий бино — майдони 420 кв.м., гараж биноси — майдони 24,5 кв.м., 1-омборхона биноси — майдони 224,2 кв.м., 2-омборхона биноси — майдони 125,08 кв.м., тайёр маҳсулот омбори бостирмаси билан — майдони 1212 кв.м., қисқа толага ишлов бериш цехи биноси — майдони 1456 кв.м., узун толага ишлов бериш цехи биноси — майдони 2099,7 кв.м., ёнғин хавфсизлиги хонаси — майдони 153 кв.м., автотарозихона — майдони 50 кв.м., автотарозихона бостирмаси — майдони 96 кв.м., механика цехи биноси — майдони 208 кв.м.

Шунингдек, бошқа ҳар хил турдаги мол-мулк, асбоб-ускуналар, майда инвентарлар ҳам мавжуд.

**Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 10-кичик ноҳия, Бобур шоҳкўчаси, 3-уйдаги тугатилаётган «Чирчиқ сут» ОАЖ мол-мулклари.**

*Бошланғич баҳоси — 360 000 000,00 сўм.*

**Мол-мулклар қуйидагиларни ўз ичига олади:** 2 қаватли маъмурий бино — 642,06 кв.м., ишлаб чиқариш цехи — 3934 кв.м., майдони 8,51 кв.м.дан 66,64 кв.м.гача бўлган ёндош қурилган 6 та бино, сауна — майдони 445,28 кв.м., омборхоналар — 305,04 кв.м., 2 та ҳожатхона — майдони 6,76 кв.м. ва 12,96 кв.м., майдони 60,0 кв.м.дан 241,90 кв.м.гача бўлган 4 та шийпон., иссиқхона — майдони 668,30 кв.м., тозалаш иншоотлари — 280,44 кв.м.

Шунингдек, бошқа ҳар хил турдаги мол-мулк, асбоб-ускуналар, майда инвентарлар ҳам мавжуд.

**Сотилмай қолган юқоридаги мулклар 2006 йил 20 июль куни соат 12.00 да ташкил қилинадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қўйилади.**

**Аукцион савдосида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»га тақдим этилиши лозим:**

- *кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун ариза;*
- *савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули «Уяли каноп заводи» масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулклари бўйича ва 100 000 сўм миқдоридаги закалат пули «Чирчиқ сут» ОАЖ мол-мулклари бўйича тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;*
- *талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.*

*Имкониятингизни бой берманг!* **Ушбу мол-мулклар савдосида қатнашиш учун ариза ва закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.**

**Бизнинг манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» к., 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.**
**Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31. Факс: 133-43-73.**

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРДАН БИРИ — АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»ининг

янги, қулай, манфаатли ва муддатли омонатларидан самарали фойдаланинг!

**"ШОДЛИК" омонат тури — 3 (уч) ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 22 фоиз миқдорида даромад тўланади.**

**Омонатга маблағлар шу йилнинг 10 августигача фақат нақд пулда қабул қилинади.**

*Бошланғич бадал миқдори — 100 000 (юз минг) сўм.*

**«ҲОСИЛ — 2006» муддатли омонати. Омонатнинг сақлаш муддати 6 (олти) ой бўлиб, йиллик 22 фоиз миқдорида даромад тўланади.**

*Омонатнинг энг кам миқдори — 20 000 (йигирма минг) сўм.*

**Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган!**



**"Пахтабанк"нинг янги, қулай жамғарма ва муддатли омонатлари сизнинг келгуси даромадингиз кафолатидир!**

«ПАХТАБАНК» - ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ҳурматли қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари!

«MOLSEM GROUP»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Тошкент шаҳридаги омборхоналардан эртапишар F 1 Молдавия селекция гибридларининг

маккажўхори уруғларини

етказиб беришни таклиф этади.



Гибридга боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даври — 75-77 кун.
Дон ҳосилдорлиги гектарига 60-90 центнер, силос массаси — гектарига 400-500 центнер. Дон таркиби — 10,6% оқсил, 3,9% ёғ ва 71,4% крахмалдан иборат.
Маккажўхори уруғлари сараланган, инкрустацияланган, ROYL FLO 42 S фунгициди билан дориланган ҳамда 25 кг. ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган.

Мурожаат учун маълумот:
700000, Тошкент ш., Пушкин к., 59-уй.
Тел. (+998 71 )137-11-67, факс: (+998 71)137-11-49.

«NG SERVICE» МЧЖ

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига !

«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

**Сервис-марказ**
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

**Шунингдек,**
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
**Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.**
**E-mail: support@nuron.uz**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

